

Турсунбой Каримов

ТУРТ ШОХА ГУЛ

(тўртликлар)

«Мураббий»  
Урганч—1993

84(59)6- Чзб. адаб.

### НАШРИЕТДАН:

Турсунбой Каримов 1941 йил июнь ойида Хоразм вилоят Гурлан тумани Гурлан қишлоғининг Бековул маҳалласида туғилган. У район марказидаги ўрта мактабни битказиб, Низомий номи Тошкент Давлат педагогика олийгоҳида таълим олди. Уқишни тамомлагач, мактабда илмий бўлим мудири, туман рўзномасида масъул котиб, муҳаррир вазифаларида ишлади, партия, совет ташкилотларида хизмат қилди. Ҳозир у Гурлан ҳокимиятида бўлим мудири вазифасида ишламоқда.

Т. Каримов «Яхши ният», «Айтилмаган қўшиқлар» деб номланган шеърый тўпламлар муаллифидир.

Қўлингиздаги ушбу китобчага унинг турли йилларда ёзган тўртликлари киритилган. Шоир шеърларида одоб, ахлоқ, инсоф, виждон, диёнат мавзуси чуқур ҳис-ҳаяжон билан қаламга олинади. Яхшиси, азиз китобхон, тўртликларни ўзингиз «татиб» кўриб, хулоса қиларсиз.

Шоир сизнинг олдингида шеърларининг бадиий савиясига масъулликни ҳар доим ҳис этажагини билдиради.

НО 41587

**ТўПЛАМ МУАЛЛИФ ҲИСОБИГА ЧОП ЭТИЛДИ.**

Alisher Navoiy	
(c) Турсунбой Каримов.	«Тўрт шоҳа гул».
2018 йил	1993 й.
8134	O'zbekiston MS

Тўрт шоха гул—тўрт қаторли  
шеърим менинг.  
Тўрт қаторга жойдир фикрим,  
меҳрим менинг.  
Мен бахтлиман ўйлантирса,  
хушёр этса,  
Юракларга етиб ихлос,  
сеҳрим менинг.

Аслида ёлғонни рост қилиб бўлмас,  
Қаҳратон қиши ҳеч ёз қилиб бўлмас,  
Беҳуда уринманг, бўлмағур ишга,  
Тўғрига эгрини мос қилиб бўлмас.

\*\*\*

Судрама сен ўзинг истаган ёққа.  
Сўзим ўтади деб дўстга, ўртоққа,  
Ҳар кимга йўлдошир нияти, феъли,  
Чўчқани минг ювсанг, кирар ботқоққа.

\*\*\*

Бировни банд этса совуқ, тор қафас,  
У сени танийди қутқарган нафас.  
Салом раво кўрмас иши юришса,  
Пастга зар берсанг ҳам сенга қилар қасд.

\*\*\*

Баъзилар аслида дўст эмас сенга,  
Дўст бўлар кўз солиб мансаб, мавқингга.  
Улар пойлаб юрар фойданг тегишин,  
Кунгабоқар фақат боққандай кунга.

Бировлар тасодиф, мансабдан бахтли,  
Бировга бахт берар меҳнати, ақли.  
Совуқ қор ёнармиш, қаловин тонса,  
Изланиб бахт йўлин топганлар ҳақли.



Оёққа таянчим—шу сахий ерим,  
Юракка таянчим—ижодим, шеърим.  
Зерикиб тайинсиз, санқиб юрмайман,  
Овутар қоғозга тўкилган терим.



Ўқирнинг, тиконнинг майини бўлмас,  
Мақсадсиз одамнинг тайини бўлмас.  
Ўқийшайиб ўсади тўронги, жийда,  
Уларнинг тик, сулув қайини бўлмас.



Гоҳо ширин нарса жоннинг эгови.  
Ҳаётда аччиқдир шириннинг ёви,  
Юради аччиғу ширин аралаш,  
Билсанг меёрини даво иккови.

Ҳоҳламай йиқитдик улкан тузумни,  
Сассиқ деб отгандай олма, узумни.  
Бугун халқ ўртанар нон, кийим топмай,  
Қайга етаклайсиз, боғлаб кўзимни. ❦

\* \* \*

Саккиз турли машина минсанг,  
Ва уйлансанг саккиз хотинга.  
Бир кун мансаб, бойлигинг синса,  
Не яхши иш қолар отингга?.

\* \* \*

Ёмонга минг йиллар лаънат ўқилди,  
Дунёда қанча шеър, дoston тўқилди.  
Ўқ отди, чоҳ қазди бирига-бири,  
Яхши ҳам, ёмон ҳам тутдай тўқилди.

\* \* \*

Хунуклар ўзини тенгсиз гўзал дер,  
Нодонлар донони хўрлаб, уради.  
Шер мушук аталиб, мушук бўлар шер,  
Бу дунё ўзини шундай қуради.

Иш ўргатар сенга меҳнат қилмаслар.  
Йўл ўргатар сенга йўлни билмаслар,  
Югуриш таълимин беради сенга,  
Тебранмас, ўрнидан сира жилмаслар.

\* \* \*

Чумчуқ дон еса ҳам экиб юрмас дон,  
Ҳар кун сув ичса ҳам қудуқ қазмас у.  
Баъзи одамларда чумчуқдай виждон,  
Эл-юртдан қарзини сира сезмас у.

\* \* \*

Ақлинг онасидир меҳнат, машаққат,  
Янглишув, хатолар, зафарлар унда.  
Шулар ўргатади, шу мактаб фақат,  
Тентаксан улардан ажралган кунда.

\* \* \*

Умри қисқа бўлар тили узуннинг,  
Кундузи қисқадир узайган туннинг.  
Гаплари кўп бўлиб, иши кам бўлса,  
Мазмуни қисқадир яшаган куннинг.

Кўп яшаган эмас, кўп юрган билар,  
Иш кўзини ишлаб, кўп кўрган билар.  
Одамни йилларнинг кўплиги эмас,  
Кўп ишлаш ва ўқиш билимдон қилар.

• • •

Севги эмас оташ, аланга,  
Олов ёниб ўчади бир кун.  
Севги ёнар, чиқар баландга,  
Аммо ўчиш йўқ унинг учун.

• • •

Қўрқоқнинг кўзлари йирик, дейдилар,  
Ёлғоннинг илдизи чирик, дейдилар.  
Одамзод мардлиги, ростлиги билан,  
Авлодлар қалбида тирик дейдилар.

• • •

Элчил, моҳир бўлолса киши,  
Ҳамма жойда юришар иши.  
Ҳунари йўқ, уқувсизларга,  
Ёзи ўтса, қайғудир қиши.



От жиловин тутган эр,  
Чавандоз, мардонадир.  
Тил жиловин тутган эр,  
Ақли соз, мард, донодир.

• • •

Иағирин кўп бўлса, қиш совуқ келса,  
Иссиқ кийим, пўстин ҳимоя қилар.  
Юрак совуқ бўлса, иш совуқ келса,  
Айтгин, қайси дўстинг ҳимоя қилар?

• • •

Кийим-бош булғанар, қўл ифлос бўлса.  
Йўловчи булғанар, йўл ифлос бўлса,  
Юраклар булғаниб, тартади озор,  
Агарда одамда дил ифлос бўлса.

• • •

Йўлга чуқур қазсанг, кўмилиб кетар,  
Йўловчи қоқилиб, туртиниб ўтар.  
Чоқ қазсанг бировнинг ҳаёт йўлига,  
Ўша чоқ аввало ўзингни ютар.

Яхши уруғ эксанг, яхши дон бўлар,  
Яхши одам иши шуҳрат, шон бўлар.  
Ёмон одам билан ишлаб, сўзлашсанг,  
Ишдан ҳам, сўздан ҳам бағринг қон бўлар.

• • •

Алдаш ва ўғирлик, оила бузиш,  
Фисқу фасад унинг касб ила кори.  
Хиёнат, улфатчилик риштасин узил,  
Шу ишдан шод бўлиб яшаш шиори.

• • •

Уйда севинч йўқ, ошу нон захар,  
Ўзганинг нон оши туюлар шакар.  
Еб-ичиб чиқарар сени ўғрига,  
Қазар қил, шу «дўст»га йўлиқсанг агар.

• • •

Бефарқ одам элда ёмондан-ёмон,  
У сезмас ёнса уй, ёнса ҳам сомон.  
Тезда нобуд бўлар, хароба бўлар,  
Бефарққа бир элни ишонса замон.

Биров гуноҳ қўяр тинмас оёққа,  
Биров гуноҳ қўяр тилга, қулоққа.  
Аслида юрагинг, ақлингни терга,  
Шулардан рухсатсиз бординг қаёққа?

\* \* \*

Дўстлик қасрин тутар тўрт буюк устун,  
Дўстлик йўқ шу устун йиқитилган кун.  
Бу — меҳр, бу — вафо, софлик, фидолик,  
Бел боғланг, шу тўртлик софлиги учун.

\* \* \*

Болалар ишонса ўйин гап-сўзга,  
«Бола-бола...» — дейди уни одамлар.  
Катталар ишонса ўйин гап-сўзга,  
— Эси чала, — дейди уни одамлар.

\* \* \*

Қора тун кетсаю ёруғ кун қолса,  
Ёмонлар фои бўлиб тамом йўқолса.  
Зулмат, ёмонликдан қутулган башар,  
Дунё пок бўлди деб бир нафас олса.

Ишласанг, бир ишни кулдирган яхши,  
Тегиб-қочмай жонни куйдирган яхши.  
Сал бошлаб мианг ишни чала қўйгандан,  
Бир ишни битказиб улгурган яхши.

\* \* \*

Яхшилар бўлмаса элни ер ютар,  
Кексалар шундай деб ўзин овутар.  
Аслида ёвузлар йўқотмоқ бўлса,  
Яхшилар заминни тинч, омон тутар.

\* \* \*

Ҳаёт борлигидан ер оламга зеб,  
У ўзи яратар ва йўқотар еб.  
Қўрқаман, шу ерда яралган олам,  
Жаҳлидан ерни еб йўқотмаса деб.

\* \* \*

Жинчироқ нурина қилмаймиз писанд,  
У ёғду таратар бўлса ҳам хира.  
Баъзилар ўзини тутса ҳам баланд,  
Шу чироқдай ёғду беролмас сира.

«Уфф» деган нафасда қанча куч, армон,  
Бунинг мазмунига етасанми сен?  
Нафасинг бўлдими элга куч, дармон,  
Ё қуруқ уф тортиб кетасанми сен?

\* \* \*

Отсанг ҳамки қандайин одим,  
Сен раҳбарсан, кечирар ходим.  
Индамасам, мен енгдим дема,  
Тил кечирар, кечирмас ёдим.

\* \* \*

Нон ва туз муқаддас чексиз оламда,  
Шундайин тушунча софдил одамда.  
Боболар ишлаган, яратган нон, туз—  
Шу фикр қолсин деб авлод—боламда.

\* \* \*

Ёмон ўз феълидан топмасдан қолмас.  
Ит бир кун қопади, қопмасдан қолмас,  
Қяличу болтанинг иши чопишдир,  
У бир кун чопади, чопмасдан қолмас.

Керак сўз, ҳикматнинг меёри яхши,  
Юрак эътиқоди, иқрори яхши.  
Тил учи ҳурматнинг кўп бўлганидан,  
Оз бўлсин, юракда чин бори яхши.

\* \* \*

Биров бор нарсани йўқ қилади, йўқ!  
Биров йўқ ўринда бор этар пайдо.  
Борни йўқотганга мен отаман ўқ,  
Йўқни бор қилганга юрагим шайдо.

\* \* \*

Ўғрини ўрасанг заррин либосга,  
Қўлига берсанг ҳам сонсиз олтин, пул.  
Зарра парво қилмас меҳру ихлосга,  
Ўғрилиқ қилишни ўйлайди нуқул.

\* \* \*

Юзада қалқади энгил чўп ва чанг,  
Денгизлар тубида ётади лаъл, дур.  
Дурман деб чуқурда бепарво ётсанг,  
Устингда энгил хас қилади ҳузур.

Буюк бир танадир менинг Ватаним,  
Шу буюк тан ичра бу жажжи таним.  
Ватаннинг жони бор менинг жонимда,  
Ўйламасин жонсиз тупроқ деб ғаним.

\* \* \*

Донолар ақлидан ақлим суғордим,  
Нўмак деб уларга ҳар кун ёлвордим.  
Донолар ҳикмати—машаққат билан,  
Мен ҳам шу машаққат йўлидан бордим.

\* \* \*

Баъзилар юз-юзлаб сақлайди китоб,  
Варақлаб, ўқишга мия бермас тоб.  
Билим асал эмас бармоққа юқса,  
Ўрганмасанг сен ҳам бир нодон ҳисоб.

\* \* \*

Анқовликдан туя кирмабди «Йил»га!  
Йилбоши туяга минган шум сичқон.  
Ким ўзин каттаю кучли деб билса,  
Тадбирсиз панд ейди кичикдан ҳар он.

Ҳар киши истайди роҳат-фароғат,  
Роҳатга яраша меҳнатинг қани?!  
Инсон меҳнат билан топар балоғат,  
Пастнашдир меҳнатсиз роҳат кўргани.

\* \* \*

Ёмондан доим қоч, яхшига эгар,  
Яхшига каттаю кичик бош эгар.  
Яхши ният этган буюк ботирлар,  
Хар сафар отига босганда эгар.

\* \* \*

Виждони айниган ошна, дўстдан кеч,  
Инсофли дўст учун дарё, денгиз кеч.  
Хатосин тушунган ақли донодир,  
Ҳеч қачон бўлмайди эзгуликка кеч.

\* \* \*

Куйлагингиз бежирим, алвон, ҳамки ёқасиз,  
Воҳ-воҳ ҳамма кийимда юрагимга ёқасиз.  
Ёниб-куйиб гапирсам, сўзларимга жавоб йўқ.  
Сабабини билмадим, ўртаб ўтга ёқасиз.



Бозор кезсанг не фойда бориб сариқ чақасиз.  
Бу гапларнинг мағзини ўйласангиз чақасиз.  
Не олдингиз ота деб югуради болалар,  
Бозорга бориш осон, бўлсанг бола-чақасиз.

• • •

Сиз асло дўстлик деб атаманг уни,  
Эртаси бўлмасдан, бўлса бугуни.  
Дўстлик ипи нозик авайланг, узманг,  
Узилиб боғланса қолар тугуни.

• • •

Туя қумликда юрса, нечукдир, ярашади,  
Ногоҳ гулзорга кирса, эл ҳайрон қарашади.  
Гул ва янтоқ фарқини билмайдиган баъзилар,  
Гулзор ўзимники деб беҳуда талашади.

• • •

Қанчалар улуғдир салом хизмати,  
«Салом» деб ялмоғиз раъйдан қайтган.  
Саломдан бошланар инсон иззати,  
Пок одам бу сўзни юракдан айтган.

2013/109	Alisher Navoiy
8194	nomidagi
	O'zbekiston MK

Одам яшолмайди меҳнатсиз бир дам,  
Ишлай деб интилар қариганда ҳам.  
Меҳнат одамларни яратган аввал,  
Ҳозир ҳам меҳнатда яралар одам.

• • •

Табиат бағрида кўп сир яширар,  
Бир бойлик тугаса, бирин тоширар.  
Табиат жиловин ушлаган инсон,  
Уни ўз манзили томон шоширар.

• • •

Одамзод улишин яхши билади,  
Шунда у не учун кураш қилади.  
Курашиб ўз бахтин ўзи топмаса,  
Одамзод бошини ким ҳам силайди?!

• • •

Дўстик фақат шодлик, маишат эмас,  
Унда бор мусибат, оғир кунлар ҳам.  
Шодлик, маишатда ҳамма бўлар маст.  
Оғир кунда ҳамдард фақат дўст одам.

Танқид бол эмаски, шарбати ёқса,  
Заҳармас, одамлар ундан тутоқса.  
У аччиқ ҳақиқат, доно мураббий,  
Кимки тоқат билан мағзини чақса.

\*\*\*

Шоир тасвир этар ноз-неъмат, боғни,  
Деҳқон машаққати, меҳнатини ҳам  
Деҳқон маҳкам тутиб болға, ўроқни,  
Шу тасвирни этар хирмонига жам.

\*\*\*

Ерга эгилишдан панд емас одам,  
Унда ризқу-рўзинг ўсар, кўкарар.  
Бу ер қаққайганни чўктирар кам-кам,  
Эгилганни доим баланд кўтарар.

\*\*\*

Кимдир ишонади халол ишига,  
Кимдир таянади яқин кишига.  
Халол ишлаб яқин дўст топган киши  
Аслида лойиқдир эл олқишига.

Машаққатлар бұлса деймиз оз,  
Ҳамма ишлар битса деймиз соз.  
Қиш ва кузнинг ўрнин не босар,  
Фақат қолса баҳор билан ёз.

• • •

Дўстлик нозик ойна, тикланмас синса,  
Бу ойна бехатар мардлик қилинса.  
Дўстлик илдизининг қуриши деб бил,  
Янги дўст топганда эскидан тинсанг.

• • •

Ўйласанг, оламда нималар узун,  
Эшакда қулоғу вайсақида тил.  
Оёқдан, қулоқдан қоқилиш мумкин,  
Тилинган қоқилсанг, туropolмайсан бил!

• • •

Биров тортиб меҳнат, озорни,  
Сув чиқарар, яратар бўстон.  
Биров эса тайёр гулзорни,  
Қуритади, этади яксон.

Одамлар бор доим сўзини,  
Бағишлайди яхши-ёмонга.  
Гапиради, билмас ўзининг,  
Мансублигин қайси томонга.

• • •

Бойўгли одати вайрона излаш,  
Киритиб қўйсанг ҳам боғу бўстонга.  
Шундай одамлар бор қўзғатади ғаш,  
Яхшини чиқариб юрар ёмонга.

• • •

Кўриб кўрмаганга солсанг ўзингни,  
Билиб билмаганга солсанг ўзингни.  
Ажабмас, шу ғалат йўлингдан бориб,  
Бир кун танимасдан қолсанг ўзингни.

• • •

Обрўйим фалон деб мақтанма ўзинг,  
Одамлар кўнглига тенг эмас сўзинг.  
Ҳар кимнинг бошида тўй бор, аза бор,  
Шунда обрўйингни кўрар ўз кўзинг.

Тилида кўп ишни билади одам,  
Амалда кам ишни қилади одам.  
Аввало тушунмай, сўнг пушаймон еб,  
Уртаниб бағрини тилади одам.

• • •

Ургатилган айиқ ўйнар,  
Пул ишлайди эгалари,  
Баъзи эрлар шундай бўлар,  
Пул йиғади бекалари.

• • •

Қийшиқларни тўғрилайди гўр,  
Бу ҳикмати бир ўйланиб кўр.  
Гўр ишидан йўқ зарра фойда,  
Тирикликда тўғрилаган зўр.

• • •

Ҳамма нарса бордир оламда,  
Топилмайди бир зот ягона.  
Кўз юммасдан ардоқла уни,  
Бу—меҳрибон ота—ва она.

Сендан подшо чикмаса айбмас,  
Сендан одам чикмаса гунох,  
Шоҳлар ўтган одамлиги паст,  
Одамийлик мангу улуғ шоҳ.

• • •

Одамда оғиз бир, иккидир қулоқ,  
Бундай тузилишнинг ҳикматига боқ,  
Ҳикматнинг мағзини чаққан бўласан,  
Оз сўзлаб, ҳаммани тинглаганинг чоқ.

• • •

Ўғирлик қилганинг бойлиги ошса,  
Оламда бой бўлмас сичқондан бошқа.  
Лекин у доим оч, қўрқув, ташвишда,  
Эркин чиқолмайди кундуз қуёшга.

• • •

Узун кўринади йўқолган арқон,  
Йўқолган сигирда сут кўринар мўл.  
Йўқотганда сенга бўлмасин армон,  
Отаю онангинг меҳрибони бўл!

Болари асал қилар гуллар шарбатин сўриб,  
Илон заҳар ишлайди шу гулларни сўрса ҳам.  
Биров яшар ҳаётда яратиш завқин суриб,  
Туҳмат заҳрин сочади беркитиб баъзи одам.

• • •

Бир қўл билан ечилмас тугун,  
Бир қўл билан ёқилмас ўт ҳам.  
Доим бўлар қўли жуфт, бутун,  
Дўсти, ёри кўп бўлган одам.

• • •

Ҳисобсиз пул, олтин бўлса одамда.  
Мен бой деб мақтанса ҳар бир қадамда.  
Бўлмаса ишонган бир дўсти, ёри,  
Ундан камбағал йўқ, бу кенг оламда.

• • •

Эгри иш бор жойда қўрқиш, гумон бор,  
Тўғри иш бор жойда, мардлик, имон бор.  
Ҳаётда қўрқоғу, мардлар аралаш,  
Уларни бир қилган бойлик бор, нон бор.



Бил, санъаткор бўлай десанг,  
Тоза, холис тилак керак.  
Харом, фисқу фасодлардан  
Озод, олис юрак керак.

\* \* \*

Бу дунёда оч қорнинг тўяр,  
Оч нафсингнинг тўйиши қийин.  
Қорнинг тўйсин халол таомга,  
Нафсинг учун сўрама тийин.

\* \* \*

Оғизда тўғрилик, халоллик деймиз,  
Амалда оз ишлаб кўпроқни еймиз.  
Аввал холис қилмай фикру ниятни,  
Қайта қуриб бўлмас бу жамиятни.

\* \* \*

Баъзи бойлар катта-катта гапирар,  
Баъзилари гапиради жуда кам.  
Ҳеч қайси «Мен ўғри» демас, «ҳақман» дер,  
Қамбағални севмас икки тури ҳам.

Катта келса, ҳурмат учун ўрнингдан тур,  
Одоб-икром бир хил эмас, бўлар минг тур.  
Ҳурмат, обрў ўзи келмас бунинг учун  
Алдама ҳеч, элга айтган сўзингда тур.

\* \* \*

Таёқ асли қурол ҳайвон урмоққа.  
Лекин одам урган холлари ҳам бор.  
Тўғри сўз, гап билан кўнмас юрмоққа,  
Одамлар ичида моллари ҳам бор.

\* \* \*

Жўр бўлма ҳар айтган яллага қараб,  
Бош эгма, мансабу саллага қараб.  
Ҳаётда синаб кўр виждонни, ишни,  
Улфат бўл юрак ва каллага қараб.

\* \* \*

Алдаш ва сотқинлик бир марта қийин,  
Сўнгилар чой ва нон егандай осон.  
Бир марта алдаманг, алдаманг қўйинг!  
Бошларга узилиб тушса ҳам осмон.

Асални ширин деб ардоқлаймиз биз,  
Қалампир қадрли, аччиқ бўлса ҳам,  
Иккиси ҳам даво—хизматга азиз,  
Азизсан, дардларга бўлолсанг малҳам.

• • •

Даврада ўзингни мақтайсан жўшиб,  
Қанчалаб одамга панд берганингни.  
Яхши одам бўлсанг ўйлан ва эсла,  
Ўзинг заҳар олиб, қанд берганингни.

• • •

Иш битмас йиғлашинг, бўзлашинг билан,  
Эрта-кеч тўхтамай сўзлашинг билан,  
Иш битар меҳнат ва ижодни бошлаб,  
Аниқ бир мақсадни кўзлашинг билан.

• • •

Яхши орзу қилади: Ишим ғалаба қилса,  
Ёмон орзу қилади: Ишим ғалаба қилса.  
Доно орзу қилади: Кошки ҳамма одамлар,  
Уша икки кишининг фарқини аниқ билса.

Иштаҳа олмайди тузсиз бўлса ош,  
Ҳеч ором топмайди дўстсиз бўлса бош.  
Қасд этиб дўстга сўнг, пушаймон қилсанг,  
Айбингни юволмас кўздан оққан ёш.

• • •

Тиғни ўткир дейдилар, қўшилмайман йўқ,  
Тиғ фақат урганда чопиб, кесади.  
Ақл ўткир дейдилар, бу ҳақ, чунки у, —  
Кесар жойин ўзи топиб кесади.

• • •

Қайғусиз, қора сувга семирар экан,  
Қайғу ич-ичингдан кемирар экан.  
Қайғуни, шодликни билмаган одам,  
Ҳаётга бегона термулар экан.

• • •

Бировлар ҳамма билан яқин қилар орани,  
Юрар у қориштириб доим оқни, қорани.  
Бир куни кўза синиб, иш тушганда бошига,  
Осмону ердан топмас яқин жигарпорани.

Тўғри сўз порлайди мисоли қуёш,  
Эгри сўз туфайли хавф-хатарда бош.  
Эгри сўзлаб тўғри кўриная дема,  
Эл сенга тупурар бўлганингда фош.

• • •

Бошлиқнинг юзи деб ялтирама ҳеч,  
Уни бекор мақтаб, валдирама ҳеч.  
Бир кунни бошлиғинг мансабдан тушса,  
Не дейишни билмай қалтирама ҳеч.

• • •

Гўзалликдан баҳра олиш кўп яхши,  
Гўзалликка қойил қолиш кўп яхши.  
Гоҳида ўзинг ҳам уни яратиб,  
Бошқани ҳайратга солиш кўп яхши.

• • •

Қаттиққўлман деб сира қўпол, дағал сўйламанг,  
Юракларга ўқ каби қадалади у бориб.  
Майин ва юмшоқ бўлиш ожизлик деб ўйламанг,  
Юмшоқ майса ўсади қаттиқ тош бағрин ёриб.

Бир ичкибоз ароқни лаънатлади, сўкинди,  
Соат ўтмай яна у оқ шишага чўқинди.  
Бегоналар бу холга ханда отиб кулганда,  
Инсофга келмади деб содиқ дўсти ўкинди.

\* \* \*

Одам эътиқод деб курашар, яшар,  
У қайтмас гар кўнгли тўлса имонга.  
Эътиқод ўзгарса, минг бор талашар,  
Фақат ҳеч ўзгармас эътиқод нонга.

\* \* \*

Сен қалбларга майин куй, қўшиқ бўлиб ёқ,  
Шўх овозинг келган чоқ, кулсин ҳамма ёқ.  
Одамларга бахш этган шу туйғунг билан,  
Юракларда гулханмас буюк қуёш ёқ!

\* \* \*

Одам одамдан хурсанд, кўнгиллар очиқ бўлса,  
Юрак юракка пайванд, кўнгиллар очиқ бўлса,  
Биз олмаган қалъа йўқ, кўнгиллар очиқ бўлса,  
Ризқимиз мўл, эл юрт тўқ, кўнгиллар очиқ бўлса.

Ҳаётда кўп холлар бўлади такрор,  
Лекин ҳар такрорнинг ўз мазмуни бор.  
Кеча бола бўлиб отамни кутсам,  
Бугун болам кутар, отаман иқрор.

\*\*\*

Эртаки айтилади қадим замондан,  
Эртаклар ажойиб суҳбатлар нақши,  
Лекин хаёлдаги дев, паҳлавондан,  
Ҳаётда фойдали бир зарра яхши.

\*\*\*

Гар суягинг майдонда қолса,  
Бахтдир, Ватан севиб ёд олса.  
Бахтсизликдир номинг, суягинг,  
Эслагани даҳшатга солса.

\*\*\*

Туққан онанг бўлар фақат бир,  
Она — Ватан шунинг ўзидир.  
Ватан кетса кетар бор нарсанг,  
Бу донишманд халқнинг сўзидир.

Ким бахтлидир ҳаммалардан ҳам?  
Жавоб берар улуғ замонам:  
Одамларга кўп бахт келтирган,  
Дунёда энг бахтиёр одам.

\* \* \*

Кучли эмас биринчи урган,  
Кучли, зарбга мард чидаб турган:  
Қўрқоқ аввал кўтаради мушт,  
Зафар гашти мардга буюрган.

\* \* \*

Билмасликнинг оғир балоси,  
Ожизларнинг ҳамроҳи гумон  
Йиқилади зулмат қалъаси,  
Гумонларни енгганда имон.

\* \* \*

Одам сира кўрмайди завол,  
Бир-бирини тўғри тушунса.  
Бахтли элда топади камол,  
Тўғри одам, тўғри тушунча.



Итин қўлтиқлаган олифта аёл,  
Азиз боласини жеркиб ташлади.  
Бу аёл инсонми, ўйлаб ақлим лол.  
Болани йиғлатиб, итин хушлади.

\*\*\*

Ҳоп тешади сичқон боласи,  
Ундан бошқа эзгу иш кутма.  
Ичидалир одам оласи,  
Синашмасдан уни дўст тутма!

\*\*\*

Қўшиқ, куйни яратди одам,  
Унутмай деб шодликни, ғамни.  
Одам уни бунёд этгандек,  
У ҳам бунёд этар одамни.

\*\*\*

Ҳилич бошга мушкул кун солар,  
Гоҳ қиличдан мушкул йўқолар.  
У жаллоддир қонхўр қўлида.  
У халоскор ғамхўр қўлида.

## И К К И Л И Қ Л А Р

Ота-онасизни ҳамма дер етим,  
Мен дўстликни бахтсиз, етим дер эдим.

• • •

Қимки бўлса анқов ва қўрқоқ,  
Умри бўйи дўстликдан йироқ.

• • •

Қим истаса дўстликни бир он,  
У мутлақо ёлғондир, ёлғон.

• • •

Қимки баланд кўтарса димоғ,  
Кетаверар дўстликдан йироқ.

• • •

Ёмон дўст ўхшайди сояга тўлиқ,  
Еруғда кўринар, қоронғида йўқ.

• • •

Пода ахил бўлса келмасмиш бўри,  
Душманни қўрқитар борлиқнинг зўри.

Қушни түзоқ томон бошлагандек дон,  
Сўз бошлар түзоққа ким бўлса нодон.

\* \* \*

Кўзинг ўткир бўлса, ақлинг топоғон,  
Сенга мушкул осон, йўлинг чароғон.

600 с.и

Адабий-бадий нашр  
Турсунбой Каримов  
(ТУРТ ШОХА ГУЛ)

Муҳаррир. Қурбон Муҳаммадризо

Рассом. Г. Енгулатов

Техник муҳаррир. Х. Йўлдошев

Мусаҳҳиҳ. Р. Сапаева

Теришга берилди 20. 07. 93

Босишга рухсат этилди 2. XII. 93

Формати 60x84/32 Рўзнома қоғози. Юқори босм

Босма табоғи 2,2. Нусхаси 5000. Шартнома №1

Буюртма 11 Баҳоси келишилган нарҳда

«Мураббий» нашриёт, матбаа ва китоб савдоси  
бирлашмаси босмаҳонаси.

Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 107 уй.